

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ОЛИМ ЧОРИКУЛОВИЧ

МАҲКУМНИ ЖАЗО ЎТАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН
ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
ҲАМҚОРЛИК

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Саидов Олим Чорикулович

Маҳқумни жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топшириш бўйича халқаро ҳамкорлик3

Саидов Олим Чорикулович

Международное сотрудничество по передаче осужденного для отбывания наказания в государстве гражданином которого он является.....24

Saidov Olim Chorikulovich

International cooperation on transferring prisoner to serve his sentence in the state of his nationality.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ОЛИМ ЧОРИКУЛОВИЧ

**МАҲКУМНИ ЖАЗО ЎТАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН
ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИК**

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Үи663 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умарханова Дилдора Шарипхановна
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Пўлатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Раҳмонов Шўҳрат Наимович
Юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил 16 апрель соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1036-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 28 мартда тарқатилди.
(2022 йил 28 мартдаги 9 -рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноий одил судлов соҳасида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш масаласи тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва одил судлов бўйича 14-Конгресси¹да жиноий одилсудлов тизими олдида турган муаммоларни ҳал этишга комплекс ёндашиш лозимлиги қайд этилган. Халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда маҳкумларнинг фуқароси бўлган давлатида жазо ўташ имкониятини беришда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, бугунги кунда дунёнинг 11 миллионга яқин аҳолиси маҳкум сифатида қайд этилган бўлиб, уларни 5 % хорижий маҳкумлардир². Бежиз эмаски, мамлакатимиз Президентини томонидан «Инсон қадри учун» тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислохотлар устувор йўналиш сифатида белгиланди³. Шу муносабат халқаро ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида қаралаётган, жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга маҳкумларни топшириш масалаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий тартибга солиш ва аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келганлигидан далолат беради.

Жаҳонда маҳкумни жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топшириш (бундан буён матнда - маҳкумларни топшириш деб юритилади)нинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида мазкур тизимни такомиллаштириш, ҳар бир ҳукми ижро этишлишини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлашда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, маҳкумларни топширишнинг янада самаралироқ тартибини ишлаб чиқиш, маҳкумларни жамиятда нормал турмушга қайтариш, ижтимоий реабилитация қилиш каби мақсадларда норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорлик тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди, мазкур соҳа муайян даражада ривожлантирилди, хусусан, жазони ўташ шароитларини тубдан яхшилаш, маҳкумларни ҳуқуқларини таъминлаш, уларни кенгроқ қўллаш, жазони ўтаб қикқан шахсларнинг ижтимоий мослашув жараёнини назоратга олишни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилди. Шунга қарамадан, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва ЖИК озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазо ўташи учун топшириш ҳамда руҳий касалликка чалинган, шунингдек, руҳий касалликлар билан касалланган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун топшириш масаласи қонун

¹ www.unodc.org

² www.prisonstudies.org, www.prisonwatch.org

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони. www.lex.uz.

даражасида тартибга солилмаганлиги, бу соҳани тадқиқ этиш зарурати юзага келганлигини кўрсатади.

БМТнинг Намунавий шартномалари (1991), МДХнинг Руҳий касалликларга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини кўллаш тўғрисидаги конвенцияси (1997), Кишинев конвенцияси (2002), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят-ижроия кодекси (1997), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001), «Судлар тўғрисида»ги (2021), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017) қонунлари, «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2017) ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу тадқиқот иши билан боғлиқ муаммоларининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари комплекс равишда ўрганиш масаласи алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган.

Жумладан, жиноятчиликка қарши кураш масалалари, жиноят ишлари бўйича ҳамда жиноий одил судлов бўйича халқаро ҳамкорликнинг айрим жиҳатларини ёритган мамлакатимиз олимларидан – Б.Исмоилов, Г.Матқаримова, Д.Умарханова, Д.Сатторов, С.Кахаров, Ф.Файзиев Н.Сафаров, М.Азимов, Ш.Ҳамроева, В.Артикова, У.Низаметдинходжаев ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Мазкур масалага Д.Умарханова илмий ишларида алоҳида эътибор берган бўлиб, маҳкумларни топшириш институти жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаган. Н.Сафаров ва У.Низаметдинходжаевлар эса, асосан Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши курашишдаги халқаро ҳамкорлигини ички ишлар ҳамда Миллий гвардия органлари фаолияти мисолида ёритиб беришга ҳаракат қилганлар ва асосий эътибор экстрадиция институтига берилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг олимлари – Э.И.Дамирчиев, К.Е.Колибаб, Л.А.Лазутин, Б.Фрахи ва бошқалар томонидан масаланинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Жиноят-процессуал жиҳатларини эса, П.С.Абдуллоев, А.И.Бойцов, А.Г.Вениаминов, И.Ю.Гринь,

А.С.Гришин, Т.Т.Казиканов, Ю.В.Минкова, Л.Л.Санташова каби ва бошқа олимлар ҳам ўрганган.

Хориж олимлари масаланинг халқаро жинойт ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганган бўлиб, М.С.Bassiouni, Kliv Nikols, Klar Montgromeri, Dionisios Spinellis, Ellin Podgor, Jeorjios M.Pikis, Libor Klimek, Robert Kyurri, Antonio Kassese каби олимлар, асосан Халқаро жинойт суди билан давлатларнинг ҳамкорлиги, халқаро ҳамкорликнинг минтақавий механизмини ҳамда мазкур соҳада инсон ҳуқуқларининг таъминланиши масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтишган¹.

Бироқ юқориди номлари келтирилган олимларнинг ишлари фақат жинойт ишлари ҳамда жинойтчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим амалий ва назарий жиҳатларини самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, маҳкумларни топшириш жараёнига комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Бу эса, халқаро ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан бу соҳадаги халқаро шартномаларнинг рўёбга чиқарилишини ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш эҳтиёжини мавжудлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси ТДЮУ Илмий кенгашининг 2021 йил 31 августдаги 5 - сонли мажлиси баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертация тадқиқотининг мақсади маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини тадқиқ этиш, бу жараёнда муаммо ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, шунингдек халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ва амалий таклиф, тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш;

маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;

маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг мақсади ва принциплари аниқлаш ва назарий хулосаларни илгари суриш;

маҳкумларни топшириш бўйича иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақомини таҳлил этиш ва таснифлаш;

маҳкумларни топширишни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш;

маҳкумларни топшириш масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонуңчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни шакллантириш;

хорижий мамлакатларнинг маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартибга солинишига оид нормаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини ўтказиш;

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича амалий ва илмий-назарий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертация тадқиқотининг объекти маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топшириш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, ваколатли органларнинг маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишга оид фаолияти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусига оид масалаларни тадқиқ этишда дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, формал-юридик таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун давлатига топшириш бўйича давлатлар ҳамкорлигининг асосий принциплари тавсифланган ҳамда “маҳкумларни топшириш” ва “маҳкумларни топшириш жараёни иштирокчилари” тушунчаларига муаллифлик таърифи шакллантирилган ва асослантирилган;

топшириладиган маҳкумнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқини таъминлаш зарурлиги асослантирилган, жумладан интизомий қисмга жўнатишга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг шахсий хавфсизлигига таҳдид юзга келган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги ариза (хабар) билан жазони ижро этиш муассасаси ёки органининг ҳар қандай ходимига оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат қилиши билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликка ва амалиётга жорий этиш зарурияти асослантирилган;

маҳкумнинг илтимосига қўра узоқ муддатли учрашувни қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашувни эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликка ва амалиётга жорий этиш зарурияти асослантирилган;

маҳкумлар учун масофали видео-учрашувлар жазони ижро этиш муассасаси ва органи томонидан ташкил этилиши ҳамда масофали видео-учрашув ҳимояланган алоқа каналлари орқали видеоконференция тизими воситасида амалга оширилиши, шунингдек маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун давлатига топшириш базасини шакллантириш ва топшириш жараёнларининг ҳолатини он-лайн кузатиш, реал вақт режимида маълумот алмашишни йўлга қўйиш имконини берадиган электрон платформа яратиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқаро ҳуқук, халқаро жиноят ҳуқуқи, миллий жиноят процесси ва жиноят-ижроия соҳаларини кодификация ва ривожлантириш юзасидан берилган таклифларнинг рўёбга чиқарилиши билан маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини такомиллаштириш ва соҳага оид халқаро муносабатларнинг тўлақонли ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш имконини беради.

маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш, шунингдек руҳий касалликка чалинган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун топшириш ва қабул қилишни амалга ошириш тартиби ўз аксини топган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган;

маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жазони ижро этиш тизимида шахсни ахлоқан тузатиш ва жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлашда ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси томонидан озодликдан маҳрум қилинган шахсларни, шунингдек, руҳий касалланган шахсларни мажбурий даволаш учун топшириш ва қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилган;

Маҳкумларни топшириш жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг намуналари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонунчиликнинг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳуқук, халқаро жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жиноий иш юритиш бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, халқаро жиноят ҳуқуқи модулини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда, шунингдек мазкур соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

маҳкумларни топшириш доирасида халқаро ҳамкорликнинг асосий принципларининг янги таснифи ва моҳияти ҳамда “маҳкумларни топшириш” ҳамда “маҳкумларни топшириш жараёни иштирокчилари” тушунчаларининг муаллифлик таърифи «Халқаро жиноят ҳуқуқи» дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сон буйруғи билан дарслик сифатида нашр қилишга рухсат берилган). Бу янги билимлар бериш ва кўникмаларини шакллантиришда манба бўлиб хизмат қилган.

маҳкумнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таҳминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-625-сон Қонунининг 1-модда, 1-банди, 1-хатбошида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 06-2/5701вх-сон далолатномаси). Ушбу таклиф жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда маҳкумлар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

“Маҳкумнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилишига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таҳминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-625-сон Қонунининг 1-модда, 3-банди, 1-хатбошида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 06-2/5701вх-сон далолатномаси). Ушбу таклиф маҳкумларнинг учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувлари сонини кўпайтириш ва учрашувларни алмаштириш тизимини ташкил этишга хизмат қилган.

“Маҳкумлар учун масофали видео-учрашувлар жазони ижро этиш муассасаси ва органи томонидан ташкил этилиши ҳамда масофали видео-учрашув ҳимояланган алоқа каналлари орқали видеоконференция тизими воситасида амалга оширилишига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таҳминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-625-сон Қонунининг 1-модда, 3-банди, 2-хатбошида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 06-2/5701вх-сон далолатномаси). Мазкур киритилган нормалар маҳкумларни рағбатлантиришнинг адолатли мезонларини ишлаб чиқиш ва шу асосида рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳамда давлатлараро ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширишда тезкорлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Маҳкумни жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топширишнинг халқаро-ҳуқуқий табиати”** номли биринчи бобида маҳкумни топширишнинг моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий зарурияти, топшириш жараёни иштирокчилари таснифи ҳамда топширилаётган маҳкумнинг ва топшириш жараёнида иштирок этувчи бошқа шахсларининг халқаро-ҳуқуқий мақомига оид масалалар ўрганилган.

Тадқиқотчи томонидан маҳкумни топшириш, биринчи навбатда, амалга ошириш механизми, принциплари ва мақсадлари; иккинчидан, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари; учинчидан, ушбу соҳаларда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базаси билан жинорий одил судлов бўйича халқаро ҳамкорликнинг бошқа йўналишларидан фарқ қилади деб таъкидлайди.

Диссертантнинг фикрича, маҳкумни топшириш тартибининг белги ва

хусусиятларини таҳлил қилишда ушбу тушунчанинг умумий тавсифи муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, мазкур институт халқаро миқёсда қўлланилиши туфайли қонунчиликда ва амалиётда турлича номланишга сабаб бўлган. Маҳкумларни топшириш тушунчаси борасида турли хорижий ҳамда миллий ҳуқуқшунос ва мутахассислар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар мавжуд бўлганига қарамасдан, ягона бир тўхтамага келинмаган.

Маҳкумларни топшириш масаласи дунёда кўпчилик олимларни диққат эътиборини ўзига жалб қилган, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган янги шаклланаётган ҳуқуқ институтларидан биридир. Асосий баҳсли томони шундаки, таҳлил қилаётган институт жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасининг алоҳида йўналишими? ўзаро ҳуқуқий ёрдам ёки экстрадиция институтининг таркибий қисмими? деган саволларга аниқ ва яқдил жавоблар йўқлигидадир. Тадқиқотчининг фикрича, бу масала мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган бўлиб, бугунги кунда олимларимиз томонидан ягона бир таъриф ёки фикр мавжуд эмас. Эҳтимол, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида халқаро ҳамкорликнинг мазкур йўналиши ўз аксини топмаганлиги ва аниқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни алоҳида йўналиши сифатида қаралмаслигига сабаб бўлмоқдадир.

Шунга қарамасдан, Д.Ш.Умарханова ўзининг илмий ишларида “жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини процессуал ҳаракатларнинг бажарилишига кўра: экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни ҳамда руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий тиббий даволаниши учун фуқароси бўлган давлатга топшириш ва қабул қилиш каби йўналишларга ажратган ва уларни бир биридан фарқли жиҳатларини таҳлил қилган. Унинг фикрича, ҳар бир институт алоҳида процессуал ҳаракатлар талаб қилгани, алоҳида ҳуқуқ нормалари билан тартибга солингани, субъектлар ўртасида ваколатлар доираси ҳам алоҳида белгилангани ҳамда амалга ошириш воситалари ҳам турли хил бўлгани учун жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини ташкил этувчи асосий йўналишлари сифатида кўриш лозим”¹ деб таъкидлайди. Диссертантга кўра, юқорида тилга олинган институтлари алоҳида процессуал ҳаракатлар талаб этади ва халқаро ҳамкорлик муносабатларида ҳам алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, хорижий (А.Волеводз, Э.Дамирчиев, И.Гринь, В.Панов, К.Бекашев) ҳамда миллий (Д.Умарханова, Н.Сафаров, У.Низаметдинходжаев, Р.Сайфулов) олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари, шунингдек асарларида, “маҳкумларни топшириш”, “маҳкумларни топшириш жараёни иштирокчилари” тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган. Маҳкумларни топшириш масаласи юзасидан турли хил мулоҳазалар билдирилган. Таҳлил натижасида, ўрганилган давлатлар ва мамлакатимиз қонунчилигида «жиноят процессининг иштирокчилари» ва

¹ Умарханова Д.Ш. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масалалари. Монография / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Исмоилов. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б.21-22.

«маҳқумларни топшириш жараёни иштирокчилари» каби тушунчаларга таърифлар берилмаган. Ушбу масала турлича ёритилганлиги ҳамда барча умумэтироф этилган тушунча ҳали ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди. Таҳлиллар натижасида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Давлатлар қонунчилигида, жумладан мамлакатимиз қонунчилигида ҳам адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонунлар билан тартибга солинган бўлиб, жиноят процессуал қонунчилигида эса уларнинг процессуал мажбуриятлари ўз аксини топган. Маҳқумларни топширишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлган давлатларда, адвокат ёки қонуний вакилнинг асосий вазифалари ўз аксини топган, лекин алоҳида уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмаган деган хулосага келишимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, адвокат белгиланган тартибда адвокатлик процессуал мақомини олган, маҳқумга малакали юридик ёрдам кўрсатиш бўйича касбий ваколатларга эга бўлган шахс сифатида топширилаётган маҳқумнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керакдир.

Диссертант томонидан маҳқумнинг ҳуқуқий мақомини таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди: асосий ургуни айнан маҳқум хорижий давлатда жазо ўтаётганлиги ва топширилиши жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳисобга олишимиз зарур. Чунки умумий шаклда давлатлар миллий қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳқумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормаларини инobatга олади.

Унинг фикрича, прокурорнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда асосан хорижий давлат судларининг чиқарган ҳукмларини ижро этилишида намоён бўлади. Чунки, мазкур босқичда ҳар бир иштирокчининг функциялари қонунчиликда батафсил белгилаб қўйилади. Шундай экан, мамлакатимиз қонунчилигида хорижий давлат суд ҳукмларини ижро этилиши масаласи тартибга солинмас экан, маҳқумларни топшириш жараёнида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳам бирмунча мушкул бўлади.

Суд, маҳқумни топшириш масаласини кўриб чиқиб, маҳқумнинг аҳволини қийинлаштирмаслиги керак бўлади. Қийинчилик икки давлатда жазони ўташнинг бир хил шартлари ва тартибини белгилашдадир, топширилаётган маҳқумларга нисбатан адолат принципини бажариш учун суд бир хил турдаги ахлоқ тузатиш муассасасини, бир хил шароит ва жазони ўташнинг бир хил режимини тайинлаши керак.

Мазкур боб доирасида тадқиқотчи топширишнинг турли босқичларида топширилаётган маҳқумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш топшириш жараёнининг зарурий шarti эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан, диссертант маҳқумларни топшириш институтининг иштирокчиси сифатида адвокат, қонуний вакил, прокурор, суд ёки ижро этувчи давлат вакилининг маҳқумни топширилиши унинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслиги, қийноқларга ёки бошқа шафқасиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор бўлган, шунингдек, маҳқумга фуқаролик давлатида унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши кафолатлигини таъминлаши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Мазкур диссертациянинг “**Маҳқумни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш хусусиятлари**” номли иккинчи бобида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, халқаро ҳамкорликнинг принциплари ва мақсади тизимли таҳлил нуктаи назаридан тадқиқ қилинган.

Маҳқумларни топшириш институтининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши масаласида асосий эътибор мазкур соҳага оид бўлган универсал, минтақавий ва икки томонлама халқаро шартномаларни таҳлил қилишга қаратилди.

Бугунги кунга қадар, маҳқумларни топшириш тартиби, шартлари ва принциплари борасида тизимли ҳуқуқий асослари тўлиқ шаклланмаган ёки деярли кўриб чиқилмаган. Лекин шунга қарамасдан, мазкур соҳанинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши бирмунча амалга оширилди. У ёки бу ҳужжатларда мазкур соҳани амалга ошириш масалаларига қисман бўлса ҳам тўхталиб ўтилган. Улар асосан жиноятчиликка қарши кураш ва уларни олдини олиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ёки экстрадицияга оид халқаро ҳамкорлик ҳужжатларида, БМТ ва бошқа минтақавий ташкилотларнинг намунавий шартномаларида ҳамда давлатларнинг икки томонлама бевосита маҳқумларни топшириш бўйича шартномаларида ўз аксини топган.

Тадқиқотчининг фикрича, БМТ Намунавий шартномаси маҳқумларни топшириш механизмини тартибга солувчи қондаларни тўлиқ қамраб олмайди. Унда топшириш тартиби, рад этиш асослари ёки маҳқумларнинг топширишга бўлган ҳуқуқи ва жазони ўташ тартиби ҳамда юборилган илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати мавжуд эмас. Бу эса, халқаро ҳамкорликда бир қанча муаммоларни, яъни музоақатларни ўз вақтида бажаролмаслик (талаб қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаслиги ва лозим даражада расмийлаштирилмаганлиги) ёки давлатлараро ўзаро ишонч йўқолишини келтириб чиқариши мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси бир қатор давлатлар билан маҳқумларни топшириш тўғрисидаги шартномаларни 1996 йилда Грузия, 1997 йилда Озарбайжон, 1998 йилда Украина, 2009 йилда Туркменистон, 2014 йилда Бирлашган Араб Амирликлари билан имзолади.

Унинг фикрича, икки томонлама шартнома тузишда томонлар, маҳқумларни топшириш масаласида, инсон ҳуқуқлари ва инсонпарвалик принциплари асосида икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш мақсадини кўзлайдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, давлатлар ўртасида икки томонлама шартномалар, жазо ўташни давом эттириш учун фуқораси бўлган давлатга маҳқумларни топширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини аниқ ва мақбул йўллارини белгилаш учун ҳам имзоланади.

Фикрининг тасдиғи сифатида АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Эфиопия, Заир, Исроил, Туркия, Лотин Америкаси мамлакатлари ҳамда Британия Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи давлатлар ҳам, жиноят иш юритуви соҳасида халқаро ҳамкорликни фақатгина давлатлар ўртасида шартнома бўлган ҳоллардагина амалга оширилишига асосланган амалиётни қўллаб-қувватламоқдалар.

Афсуски, бугунги кунда, маҳкумларни топшириш бўйича ахдлашувчи давлатлар ўртасида халқаро ёки икки томонлама шартномларни йўқлиги мазкур муносабатларни амалга оширишни имконсиз қилади ёки қайсидир даражада жараёни мураккаблаштиради. Тадқиқотчи қонунчиликдаги бу каби камчиликлар, масалан, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Маҳкумларларни топшириш бўйича икки томонлама келишувнинг йўқлиги, бу Ўзбекистон фуқаролари ва хорижий давлат фуқароларининг ўз ватанларига топшириш учун муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради ҳамда фуқаролиги бўйича жазони ўташни давом эттириш ҳуқуқи бузилишига олиб келади деган хулосага келади.

Юридик фанда маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг ягона тизими ишлаб чиқилмаган, бунинг сабаби бир томондан тадқиқот предметининг комплекслилик характери билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ушбу муаммони тартибга солувчи ягона норматив ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам белгиланади.

Лекин шунга қарамадан, мазкур масала юзасидан халқаро ҳужжатларда, баъзи давлатлар қонунчилиги нормаларида ва халқаро ҳуқуқшунос олимлар асарларида ўзига хос фикрлар акс этган.

Маҳкумларни топширишга оид принциплар бевосита унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши таъкидланган. Хусусан, комплекслик характерига эга эканлиги, зеро маҳкумларни топшириш борасида процессуал ҳаракатларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси ва жиноят-ижроия ҳуқуқлари асосида мустақил ҳуқуқий тизимларнинг биргаликдаги ҳаракати; халқаро ва миллий ҳуқуқ билан тартибга солиниши; шахснинг хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этганлиги ва жазога тортилганлиги натижасида, уни ижтимоий реабилитация қилиш кабиларга эътибор бериш керак.

Таҳлиллар натижасида диссертант, маҳкумларни топширишнинг асосий мақсади сифатида халқаро шартномаларда деярли бир хил ҳолат белгиланганлигини таъкидлади. Жумладан, БМТнинг “Чет эллик маҳкумларни топшириш тўғрисидаги намунавий шартномаси” преамбуласида халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда жиноий одил судлов соҳасида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фуқаролиги бўлган давлатда жазо ўташ имкониятини бериш, ҳуқуқбузарларни тузатиш ва жамиятда нормал турмушга қайтариш, ижтимоий реабилитация қилиш каби мақсадларда мазкур шартнома қабул қилингани ўз аксини топган. Худди шу мақсадларни кўп томонлама бошқа халқаро шартномаларда ҳам белгиланганлигини кўриш мумкин.

Диссертант томондан маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги мақсадларлари мавжудлиги аниқланди: маҳкумларни фуқаролиги ёки доимий яшаш жойида жазо ўташ имкониятини бериш; мамлакат ҳудудида хорижий давлат фуқароларининг жиноят содир этишини қисқартириш; маҳкумларни жамиятда нормал ҳаёт кечирishi учун

ижтимоий реабилитациясига ҳисса қўшиш; озодликдан маҳрум қилинган хорижий фуқароларга нисбатан давлат миграция сиёсатини амалга ошириш; озодликдан маҳрум қилинган хорижий фуқароларни яшаш ҳаражатларини камайтириш; хорижий давлатлардан топширилган маҳкумларга нисбатан белгиланган жазо мақсадларига ва жазо муқаррарлигига эришишни таъминлаш кабилар.

Бундан ташқари, диссертант томонидан жиноят ишлар бўйича халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга ҳамда бу борада маҳкумларни топшириш жараёни қулайлик, тезкорлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлашда махсус электрон платформани яратиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мазкур махсус дастурланган ва ҳимояланган платформа асосида маълумот алмашувини, ҳужжатлар автоматик тегишли давлат тилига таржима қилиб тақдим қилинишини таъминланиши ҳамда маҳкумларга тегишли бўлган ҳужжатлар намуналари ва юборган илтимосномаларини ижро этилиши даражасини кўриш имконини беради. Ушбу платформани жорий этиш ва фойдаланиш икки томонлама шартномаларда келишиб олинishi зарур ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Маҳкумни топшириш институтини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари”** номли учинчи бобида маҳкумларни топшириш асослари ва шартлари, рад этиш асослари ва шартлари, маҳкумларни топшириш тартиби ҳамда маҳкумларни топшириш соҳаси бўйича халқаро тажриба ва уни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумни топшириш учун иш қўзғатиш учун асос сифатида қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак бўлади: маҳкумнинг (қонуний вакили) ёки яқин қариндошларининг топшириш тўғрисидаги илтимосномаси; топширилиши сўралаётган давлат билан икки ёки кўп томонлама шартноманинг мавжудлиги; ўзаролик принципининг аниқ механизми мавжудлиги кабилар.

Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги халқаро шартномаларда умумий шаклда қуйидаги шартлар асосида амалга оширилиши кераклиги таъкидланди: маҳкум томонидан содир этилган қилмиш маҳкумнинг фуқаролиги ёки доимий яшаш жойидаги давлат қонунларига мувофиқ жиноят деб топилиши ҳамда суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлишилиги; маҳкумнинг ёки қонуний вакилининг ёзма шаклда ифодаланган топширишга розилиги мавжудлиги; хорижий давлат суд ҳукмини тан олишлиги; маҳкумнинг жазо ўташни истаган давлат фуқаролиги ёки доимий яшаш жойи мавжудлиги; давлат ваколатли органлари томонидан топшириш шартлари келишиб олинган бўлишилиги; топшириш тўғрисидаги илтимоснома олинган вақтда ўталмаган жазо муддати камида олти ойни ташкил этиши; топширишнинг барча босқичларида маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланиши.

Халқаро шартномаларида хорижий давлат суд ҳукми тан олиш асослари ва шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, миллий қонунчиликда тан олиш тартиби ўз аксини топмаган. Бу тартиб, албатта, Жиноят-процессуал

хусусиятга эга, лекин унинг мазмуни ва шартлари нафақат процессуал, балки моддий нормалар билан ҳам белгиланиши керак.

Ўзбекистоннинг миграция сиёсатини, шунингдек, умрбод қамок жазосига ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топшириш бўйича мавжуд суд амалиётини амалга ошириш учун келгусида нафақат озодликдан маҳрум қилиш, балки жиноий жазонинг бошқа турлари билан ҳукм асосида судланган чет эл фуқароларини ҳам топшириш зарур. Бундан ташқари, миллий қонунчиликка, халқаро шартнома мавжуд бўлмаган ҳолатларда ўзаролик принципининг ишлаш механизми, маҳқумларни топширишнинг аниқ шартлари, асослари ҳамда хорижий давлат томонидан чиқарилган ҳукми тан олиш масалаларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, маҳқумларни топшириш билан боғлиқ бўлган барча процессуал ҳаракатларни тартибга солувчи қонун қоидалар ва шундан келиб чиқадиган процессуал ҳужжатлар аниқ, тушунарли ва рад этилиши учун асос бўлмаслиги лозим. Сўровномани қабул қилган давлат миллий қонунчиликни ўрганишида тушунмовчиликка ёки ноаниқликларга учрамаслиги давлатлараро муносабатларни янада самарали олиб боришига сабаб бўлади.

Халқаро ҳуқук нормалари ва давлатлар миллий қонунчилигини ўрганиш натижасида, маҳқумларни топшириш жараёни бир нечта босқичлардан иборат эканлиги аниқланди: маҳқумларни топширишнинг дастлабки босқичи - маҳқумни топшириш бўйича иш қўзғатилиши билан боғлиқдир; иккинчи босқич – суд мажлисига тайёргарлик кўриш босқичи; учинчи босқич – суд ҳукмини ижро этиш билан боғлиқ масалаларни суд томонидан ҳал қилиш босқичи.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳқумларни топшириш бўйича халқаро шартномаларни тузиш амалиёти шуни кўрсатадики, бир шартномани тарафлари турли хил ҳуқуқ оилаларига мансуб давлатлар бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, асосий эътибор маҳқумларни топшириш тўғрисидаги давлатларнинг қайси оилага тегишли эканлигига эмас балки, қайси тартибда ушбу механизмни амалга оширилишига қаратилди.

Европа Иттифоқи доирасида давлатларнинг жиноий иш юритиш бўйича халқаро ҳамкорлик механизми орасида ўзига хос хусусияти эга бўлган маҳқумларни топширишда – ўз фуқароларини топшириш қоидаси қўлланиладиган жараён ҳисобланади. Шундай экан, мазкур амалиётни Ўзбекистон Республикаси учун қўлланмаслик мақсадга мувофиқдир. Чунки, мамлакатимиз фуқароларини ушлаб беришлик бу давлатимизнинг конституцион нормасини бузишга, фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончи йўқолишига, давлатнинг хавфсизлиги ва суверенитетига таҳдид қилишига олиб келиши билан изоҳланади.

Америка давлатлари ўртасидаги маҳқумларни топшириш тўғрисидаги ҳамкорлик, фуқароси бўлган давлатга жазо ўташни давом эттириш учун топширилиши мумкин бўлган маҳқумларни кенг доирасига (воёга етмаган, рухий касалга чалинганлар) таъсир қилишини ҳақида хулосага келинди. \

Қозоғистон Республикасининг маҳқумларни топшириш бўйича қонунчилиги ва шартномаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида куйидаги ижобий тажрибалари мавжудлигини аниқланди: суд зиммасига судланган чет эл фуқаросига кейинги жазони ўташ учун топшириш ҳақида

ваколатли органларга муурожаат қилиш тартибини тушунтириш мажбуриятини юклаши; топширишнинг ажралмас шарти бўлган маҳкумнинг ҳамда уни топшириш ва қабул қилиш учун давлатларнинг розилиги мажбурийлиги кабилардир.

Озарбайжон Республикасининг ижобий тажрибасига куйидагиларни киритиш мумкин: ўзаролик принципи асосида маҳкумларни топшириш амалиётини кенгайтириш ва молиявий имкониятларни оптималлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун давлат харажатлари, маҳкумнинг қариндошларини маҳкумни ташиш билан боғлиқ харажатларни ихтиёрий равишда тўлашга жалб қилиш.

Молдова Республикасининг ижобий тажрибасига куйидагилар киради: 1) қарорнинг якунийлиги; 2) суд маҳкумга нисбатан ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалага дучор бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак; 3) топшириш жараёни иштирок этаётган иккала давлатнинг розилиги. Бундан ташқари, топширилиши керак бўлган субъектларнинг кенгайтирилган доираси (давлат фуқаролари ва доимий яшаш жойига эга бўлган шахслар) ижобий тажрибадир. Маҳкумларни Молдова Республикасига топширишнинг салбий тажрибаси ҳам мавжуд бўлиб, уларларни мажбуран топширилишидир. Зеро, мазкур жараён маҳкумнинг ҳуқуқларидан бири бўлиб, унинг розилиги талаб этилади.

Кўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, қамоққа олинган шахсни ўз ватанига юборишдан мақсад бу шахснинг ижтимоий реабилитациясига ёрдам беришидадир. Умуман олганда, ҳукм қилинган шахсни топшириш жараёнида ўз манфаатларини ҳукм чиқарган давлатга билдириши мумкин. Кейинчалик топшириш дипломатик каналлар орқали ёки ҳукм чиқарган давлат томонидан ё бошқа давлат томонидан талаб этилиши мумкин. Лекин махсус ва фавқулодда ҳолатларда дипломатик каналлар жалб этилмай, топшириш талаби марказий органларга тўғридан тўғри жўнатилиши мумкин. Ҳар бир давлат ўзига хос ҳукм қилинган шахсларни топшириш талаби жараёнига эга. Шунга қарамай, ҳукм қилинган шахснинг розилиги ва ҳукм чиқарган давлатларнинг ҳар бир давлатнинг қонунчилигида шарт қилиб қўйилади. Ушлаб беришга ўхшаб, топширишдан олдин икки марталик жинойатчилик каби ҳолатлар ҳам кўздан кечирилади. Бу каби қоидалар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топиши керак ҳисобланади.

ХУЛОСА

Маҳкумларни топшириш бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотнинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни куйидаги уч йўналишда шакллантириш мақсадга мувофиқ:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Маҳкумларни топшириш масаласи юзасидан турли хил мулоҳазалар билдирилган бўлиб, ушбу таърифларда маҳкумларни топширишнинг муҳим жиҳатлари ўз аксини топган. Шунга қарамасдан, уларда умумий тусдаги

ягона таъриф йўк. Келтирилган таърифларни мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: *Маҳкумларни у фуқароси бўлган давлатга тайинланган жазо ўташни давом эттириш учун қонуний кучга кирган суд ҳукми асосида юбориш фақат шахснинг хоҳишига кўра амалга ошириладиган жараён бўлиб, маҳкум фуқароси бўлган давлат топшираётган давлатнинг чиқарилган суд ҳукми тан олади ҳамда унинг ижросини таъминлашни ўз мажбурияти деб билади.*

2. Маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун давлатига топшириш бўйича давлатлар ҳамкорлигининг асосий принциплари сифатида қуйидагича тавсифлаш таклиф этилди:

1) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига бевосита боғлиқлиги жиҳатидан: *давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги; давлат суверенитетини ҳурмат қилиш принципи;*

2) экстрадиция институти билан боғлиқлиги жиҳатидан: *икки ёқлама судловчилик; ne bis in idem; ўзаролик принципи.*

3) маҳкумларни топшириш институти хусусиятига боғлиқлиги жиҳатидан: *томонларнинг розилиги принципи; маҳкум топширилишига розилик бериши принципи.*

4) маҳкумларни топшириш институти мақсади жиҳатидан: *инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, миллат ва фуқароликка асосан ўз ватанида бўлиш принципи.*

